

“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ
акциядорларининг йиллик
умумий йиғилишининг
2022 йил «29» июнданги баёни билан
«ТАСДИҚЛАГАН»

**“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси” акциядорлик
жамияти кузатув кенгаши тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Суғурта фаолият тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси” акциядорлик жамияти уставига асосан ишлаб чиқилган.

2. Низом “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси” акциядорлик жамияти Кенгашининг мақомини белгилайди ва унинг ишини, кенгаш аъзоларни сайлаш тартибини, шунингдек Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқук ва мажбуриятларини белгилаб беради.

3. “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси” акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши (кейинги ўринларда – Кузатув кенгаши деб юритилади) Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколати доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустаснодир.

2-боб. Кузатув кенгашининг ваколатлари

4. Кузатув кенгаши ваколатларига қўйидагилар киради:

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниясини ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси ижро органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

Йиллик ва навбатдан ташқари Акциядорларнинг умумий йиғилишларни чакириш, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳукуқига эга “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиш кун тартибини тайёрлаш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисидаги таклифларни тасдиқлаш учун Акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси ижро органи тузиш, Бош директорини тайинлаш бўйича таклифлар киритиш;

Бош директорининг уринбосарларини тайинлаш (тасдиқлаш), уларни ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси номидан Бош директорини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тузиш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниясининг марказий аппаратининг ташкилий-бошқарув тузилмаси ва штат жадвалини келишиш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниясининг корпоратив облигациялари, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш шунингдек, бошқа қарз мажбуриятларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчи)га тўланадиган мукофотлар ва компенсациялар миқдори бўйича тавсиялар бериш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниясининг заҳира ва бошқа фондларидан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилиш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниясининг ички аудити тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси ижро органи фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниясининг филиалларини ва ваколатхоналарини ташкил этиш (тугатиш) тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниясининг йиллик молиявий хисоботларни кўриб чиқиш ва Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай (олдин) дастлабки тарзда тасдиқлаш;

Акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар бериш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниясининг шўъба ва қарам бўлган корхоналарини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ҳар чоракда Бош директорининг жамият фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳамда жамият ички аудити хизмати раҳбарининг ҳисботларини эшлиш;

Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш;

Аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп микдорини белгилаш ҳакида қарор қабул қилиш;

Қонун хужжатларига мувофиқ йирик битимлар ҳамда аффилланган шахслар билан тузилиши кутилаётган битимлар тўғрисида қарор қабул қилиш (ваколати доирасида);

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниясининг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масалаларни ҳал қилиш;

Акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниясининг корпоратив облигацияларини ва бошқа қимматли қоғозларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниясининг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Кузатув кенгashi мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқуллаш;

Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация микдорини белгилаш;

Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши (акция, облигация) ва эмиссия рисоласига ҳамда унинг матнига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини маъқуллаш ва Акциядорлар умумий йиғилиши тасдиғига киритиш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниясида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил баҳоловчи ташкилотни ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп микдорини белгилаш ҳакида қарор қабул қилиш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниясида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш ва Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига тақдим этиш;

ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш шу билан бирга, жамият ижро органининг жамият ривожланиш стратегиясига эришиш борасида кўрилаётган чоралар тўғрисида ҳисоботларни доимий эшитиб бориш;

Мол-мулкни бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

корпоратив консультантни тайинлаш ва унинг фаолият тартибина белгиловчи низомни тасдиқлаш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниянинг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва Кузатув кенгаши зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни жамиятидан олиш. Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

Қарор қабул қилиш санасида жамият соф активлари миқдорининг бир фоизидан ортиқ миқдорда хайрия (молиявий ёрдам) ёки қайтармаслик шарти билан ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини амалиётга жорий этилишини назорат қилиш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияга тегишли мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, жамият ва унинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувлари (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) тузилиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниянинг асосий фаолиятига хос бўлмаган янги кўчмас мулк обьектларини сотиб олиш ёки куриш тўғрисида қарор қабул қилиш (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниянинг асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш тўғрисида қарор қабул қилиш (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниянинг асосий фаолиятига хос бўлмаган хўжалик жамиятлари устав капиталида иштирок этиш ёки ундаги улушни сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

Амалдаги қонунчилик ва “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси уставига мувофиқ Кузатув кенгаши ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

5. Кузатув кенгаши ваколати доирасидаги масалалар ҳал этиш учун жамият ижро органига берилиши мумкин эмас.

3-боб. Кузатув кенгашининг мажбуриятлари

6. Куйидагилар Кузатув кенгашининг мажбуриятлари ҳисобланади:

ўз ваколатларини Жамият акциядорлари манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниясига ўз ваколатларига мос равишда раҳбарлик қилишни таъминлаш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сугурта компанияси фаолияти, шу билан бирга сугурта фаолияти, инвестицион фаолияти, ва бошқа қонунчиликда белгиланган фаолияти устидан назоратни амалга ошириш (акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида);

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сугурта компаниясининг етарли даражадаги тўлов қобилиятлигини таъминлаш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сугурта компанияси фаолияти стратегиясини шакллантириш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сугурта компаниясини ривожлантириш бўйича қабул қилинган бизнес-режалар ижросини назорат қилиш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сугурта компаниясининг фойда кўриши мониторингини олиб бориш;

Ички аудит хизмати фаолият кўрсатишини ташкил этиш;

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сугурта компанияси бошқарувидан муентазам равишда жамият таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисида ҳисбот талаб қилиш;

Кузатув кенгаши йиллик молиявий ҳисботларни Халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш ва уларни муентазамлилгини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштиради.

Кузатув кенгаши аъзолари томонидан жамият фаолияти тўғрисида керакли ахборотларга эга бўлишлари учун етарли вақт ажратишини тақозо этади. Кузатув кенгашининг кун тартибини тайёрлаш, кенгаш мажлисларини ташкиллашган ва самарали ўтказилишига ёрдам бериши ҳамда мажлис баённомасига кун тартибидаги масалалар киритилганлигига ва уни тўғри расмийлаштирилишига ёрдам бериши учун Кузатув кенгаши томонидан котиб тайинланиши мумкин. Кузатув кенгаши котибига ҳақ тўлаш ва тўловларнинг микдорлари Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

4-боб. Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш, тайинлаш ва ваколатларини муддатдан илгари тугатиш

7. Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатгача сайланади ва чекланмаган марта қайта сайланишлари мумкин.

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда хар бир акциядорга тегишли овозлар сайланиши керак бўлган Кузатув кенгаши аъзолари сонига кўпайтирилади ва акциядор ўз овозларни бир номзодга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлаши мумкин.

Энг кўп овоз олган номзодлар Кузатув кенгаши аъзолигига сайланади.

8. Кузатув кенгаши аъзолари сони жамият уставига асосан камида 5 (беш) кишидан иборат бўлиши керак. Акциядорлардан ташқари суғурта соҳаси олимлари ва мутахассислари ҳам Кузатув кенгаши аъзолари бўлиши мумкин. Шунингдек, Кузатув кенгаши таркибига биттадан кам бўлмаган (аммо жамият уставида кўзда тутилган Кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустақил аъзо киритилиши мумкин.

Куйидагилар Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин:

I. Сўнгги беш йил мобайнида жамиятида, унинг шўъба ва аффилланган корхоналарида ишламаган шахслар;

II. Жамият, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари акциядори бўлмаган шахслар;

III. Жамият, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари билан қонун хужжатларида белгиланган базовий хисоблаш миқдори беш минг баравари миқдоридан юқори суммага тегишли шартномага эга бўлган йирик мижозлари ёки мол етказиб берувчилари билан боғлиқ бўлмаган шахслар;

IV. Жамият, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари билан хизмат кўрсатиш юзасидан шартномага эга бўлмаган шахслар;

V. Жамият, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари раҳбарлари бўлган ёки сўнгги беш йил мобайнида шундай лавозимларда ишлаган шахснинг оила аъзоси бўлмаган шахслар;

VI. Жамият назорат қилувчи шахс (ёки жамият устидан жамоа тарзида назорат олиб борувчи гурух ва (ёки) ташкилот аъзоси) бўлмаган шахслар;

VII. Жамият билан фуқаролик-хукукий шартнома орқали боғлиқ бўлмаган ва Жамиятининг соҳаси бўйича юқори турувчи ташкилоти (компания) ёки йирик акциядорининг ходими бўлмаган шахслар.

9. Жамият ижро органи (бош директори) ва жамиятни раҳбарияти аъзолар Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Кузатув кенгаши аъзосининг ваколатлари муддатдан аввал тугатилиши акциядорлар Умумий йиғилиши қарорига асосан акциядорларнинг ўзгариши, кенгаш аъзоларининг ўз мажбуриятларини бажармаслиги, Кузатув кенгашининг тегишли аризаси берилганда ва бошқа асосларда вужудга келиши мумкин.

10. Кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

5-боб. Кузатув кенгашининг раиси

11. Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овози билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Кузатув кенгаши раисининг ўринбосари Кузатув кенгаш аъзолари орасидан Кузатув кенгаши раиси томонидан тайинланади.

12. Кузатув кенгашининг раиси бўлмаганда унинг вазифаларини Кузатув кенгаш раиси ўринбосари амалга оширади.

13. Кузатув кенгашининг раиси:

Кузатув кенгашининг ишини ташкил этади;

Кенгаш мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

Мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади;

Акциядорлар умумий йиғилишини очади ва умумий йиғилишда раислик қилади;

Жамият уставида ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ишларни амалга оширади.

6-боб. Кузатув кенгаши мажлисларини ўтказиш тартиби

14. Кузатув кенгаши мажлиси Кузатув кенгаши раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра ёки:

Кузатув кенгаши аъзоси;

Тафтиш комиссияси;

Жамият ижро органи;

Жамият ички аудит хизмати раҳбари;

Жамият ташки аудитори талаби бўйича чақирилади.

15. Кузатув кенгаши мажлиси бир чоракда камида бир марта ўтказилади.

Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказилиши ҳақидаги хабар Кузатув кенгаши аъзоларига мажлис ўтказиш вакти, жойи ва кун тартибига киритилган масалалар кўрсатилган ҳолда факс, электрон почта ёки хат билан Кузатув кенгаши котиби, агар у бўлмаганда Жамият раҳбарият орқали мажлис ўтказиладиган кундан камида 3 (уч) иш куни олдин юборилади.

16. Кузатув кенгашининг кун тартибидаги барча масалалар, қоидага кўра, олдиндан Жамиятида муҳокама қилинади. Кузатув кенгаши аъзоларига, зарурат туғилганда, қўшимча маълумотлар Кузатув кенгаши котиби ёки Жамият раҳбарият орқали етказилади.

17. Кузатув кенгаши ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар кўпчилик, овозларнинг камида учдан икки қисми билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалаларни ҳал қилишда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади. Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгаши аъзолари белгиланган сонининг камида 75 (етмиш беш) фоизини ташкил қилиши керак.

18. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият устави билан назарда тутилган 75 фоиздан кам бўлиб қолган ҳолларда Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиши шарт. Кузатув Кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг ана шундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидагина қарор қабул қилишга хақлидир.

19. Кузатув кенгаши Жамият ижро органи (бош директори) ваколатлари муддатидан олдин тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

20. Овоз бериш хукуки Кузатув кенгашининг бир аъзоси томонидан Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига берилишига йўл қўйилмайди.

21. Кузатув кенгашининг қарорлари Кузатув кенгашининг барча аъзолари сиртдан овоз беришлари (сўров) йўли билан қабул қилиниши мумкин (ижро органининг чораклик ҳисоботини эшлиши бўйича мажлислар қарорлари бундан мустасно).

22. Жамият устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги, Жамият устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорлар Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

23. Кузатув кенгаши мажлисларида баённома юритилади, у кенгаш мажлиси ўтказилгандан кейин 10 кундан кечикирилмай расмийлаштирилиб, тасдиқланади.

24. Мажлис баённомасида:

мажлис ўтказилган сана, жойи ва вақти;

мажлисда қатнашган шахслар;

мажлис кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш якунлари;

қабул қилинган қарорлар кўрсатилади.

25. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомасининг тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўладилар.

26. Кузатув кенгаши мажлис қарорлари сиртдан овоз бериш (сўров йўли билан) йўли билан ўтказилгanda кенгаш барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

27. Кузатув кенгаши қарорларни қабул қилиш чоғида овозлар teng бўлган ҳолларда Кузатув кенгашининг раиси ҳал қилувчи овоз бериш хукуқига эгадир.

Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамият ижро органига ижро этиш учун топширилади.

Бир қатор техник воситалари, кенгаш аъзоларини идентификация қилиш воситалари ва бошқа техник мосламалар асосида Кузатув кенгаши мажлисини видео-конференц-алоқа тартибида ўтказиш мумкин.

7-боб. Кузатув кенгаши аъзоларининг хукуқ ва мажбуриятлари

28. Кузатув кенгаши аъзоси:

Кенгаш йиғилишида шахсан қатнашиш, йиғилишда мұхокама қилинаётган масала юзасидан сүзга чиқиш;

ишларнинг шу кундаги аҳволи түғрисида, Жамият фаолиятининг бирор-бир давр ичидаги асосий натижалари ҳакида, уни ривожлантириш режалари түғрисида барча түлиқ ва ишончли молиявий ахборотни олиш;

зиммасидаги вазифаларни бажара туриб Кузатув кенгашидаги иши учун муайян мукофот олиш хукуқига эга;

Кенгаш аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш кенгаш раиси томонидан кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кенгашнинг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қопланиши Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

29. Кузатув кенгаш аъзоси томонлардан бири жамият бўлган битимдан молиявий манфаатдор бўлган ҳолларда, шунингдек, кенгаш аъзоси билан жамият манфаатлари ўртасида ўзгача низо юзага келган ҳолларда, кенгаш аъзоси битим тузиладиган пайтга қадар ўз манфатдорлигини кенгашга барвақт маълум қилиши шарт, битим түғрисидаги қарор эса шундай манфаатдорликка эга бўлмаган кенгаш аъзоларининг кўпчилиги ёки акциядорлар умумий йиғилишида акциядорлар кўпчилиги томонидан қабул қилиниши лозим. Бунда кенгашнинг манфаатдор аъзолари шундай битим бўйича мұхокамада ҳам, қарорлар қабул қилишда ҳам иштирок этмайдилар.

30. Кенгаш аъзолари бевосита ёки билвосита кенгаш томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун ҳақ олиш хукуқига эга эмаслар.

31. Кенгаш аъзолари жамият имкониятларидан (мулкий ва номулкий хукуқлардан, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлардан, жамиятининг фаолияти ва режалари түғрисидаги ахборотдан) шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш хукуқига эга эмаслар.

8-боб. Жамият фаолияти устидан назоратни амалга ошириш

32. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тафтиш комиссияси сайланади.

33. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

34. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари, бўлимлар, бошқа алоҳида бўлинмалар ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, Жамият уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия хисобида ва молиявий хисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда

ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

35. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

36. Кузатув кенгаши таркибида кенгаш аъзоларидан иборат Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

10-боб. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги

37. Кузатув кенгашининг аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдида ўз мажбуриятларини тегишли тарзда бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда Жамият уставига мувофиқ жавобгар бўладилар.

38. Кузатув кенгаш мажлисида овоз беришда қатнашмаган ёки Жамиятга зиён етишига олиб келган қарорга қарши овоз берган Кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод этиладилар.

11-боб. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофотлар микдорини белгилаш тартиби

39. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофотлар жамиятнинг бошқарув ва назорат органларини моддий рағбатлантириш тўғрисида Низомга асосан, Кузатув кенгаши фаолиятининг умумий кўрсаткичини инобатга олган ҳолда, тўлаб берилади.

40. Кузатув кенгаши фаолиятининг умумий кўрсаткичи Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларини маълум микдорда мукофотлаш учун аниқлаш мақсадида асос бўлиб хизмат қиласи;

41. Мукофот микдори (Кузатув кенгашининг бир аъзосига бир чорак учун) қуйидаги тартибда белгиланади:

агар, Кузатув кенгаши фаолиятининг умумий кўрсаткичи 1 дан паст бўлса – мукофотлар ҳисобланмайди ва тўланмайди;

агар, Кузатув кенгаши фаолиятининг умумий кўрсаткичи 1 дан 2 гача бўлса – мукофотлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг 7,0 баробари микдорида ҳисобланади ва тўланади;

агар, Кузатув кенгаши фаолиятининг умумий кўрсаткичи 2 дан 3 гача бўлса – мукофотлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 14,0 баробари миқдорида ҳисобланади ва тўланади;

агар, Кузатув кенгаши фаолиятининг умумий кўрсаткичи 3 ва ундан қўп бўлса – мукофотлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 17,6 баробари миқдорида ҳисобланади ва тўланади.

Тикилган ва ракамланган
11 (үн бир) варакдан
иборат

«29
хунон-06» 2022 й.

